Стратегик ва минтақалараро КУТУБХОНАСИ Тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 25 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 79 (10.636) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Сканд Раджан Тайал журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди.

●Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелдаги мажлисида жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари таҳлилига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

●Адлия вазирлигида давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида «Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечими» мавзуида семинар ташкил этилди.

●Жиззах вилояти Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг вилоятдаги ижроси бўйича назорат-таҳлил якунлари муҳокама қилинди.

● «Капитал-банк» акциядорлик-тижорат банки инвестициялар институтлари миллий ассоциациясининг баҳосига кўра 2005 йилнинг энг яхши андеррайтери деб топилди.

●«Камолот» ЁИҲ Сирдарё туман Кенгашининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар «Камолот»нинг туманнинг узоқ қишлоқлари ва маҳаллаларидаги фаолиятини кучайтириш ҳамда ҳаракат фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратиш, ёшлар маркази фаолиятини кенг йўлга қўйиш лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтишди. Туман Кенгашининг фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

●Андижон вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорликда «Саховат» дея номланган юришни давом эттирмоқда. Бундан мақсад жойларда кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий кўмак кўрсатишдир.

●Ўзбекистон тарихи давлат музейида академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи» Республика илмий семинарининг 39-йиғилиши бўлиб ўтди.

●Канаданинг «Траффорд» нашриёти мухлисларга «Қорақалпоқ халқ эртаклари» китобини тортиқ қилди. Мазкур китобда қорақалпоқ халқининг фалсафага, енгил юморга ҳамда дидактикага бой, жозибали эртаклари жамланган.

●Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида жойлашган «Имкон МС» хусусий фирмасида кунига маҳаллий сазан, оқ амур, лаққа балиқларидан уч-тўрт минг банка консерва тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулот айни пайтда Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда.

●Бухоро туманидаги Новметан қишлоқ врачлик пунктига «Меҳр- мурувват» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари томонидан «УАЗ» русумли тез ёрдам машинаси туҳфа этилди.

ЖАҲОНДА

●Перу давлатининг жанубий қисмида жойлашган Убинас вулқонининг уйғониши муносабати билан ушбу ҳудуддаги бир нечта аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар зудлик билан бошқа жойларга кўчирилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, вулқон тўсатдан ҳаракатга келиши мумкин.

●Исроилнинг «Адаса Эйн-Керем» шифохонаси шифокорлари мамлакатнинг собиқ бош вазири Ариэл Шаронни даволашда хатога йўл қўйишганини тан олишди. Врачларнинг сўзларига қараганда, Шарон биринчи бор инсульт хасталигига чалингач, унга қонни суюлтирувчи дори беришган. Бу эса собиқ бош вазирни ҳушсизлик ҳолатига олиб келган кучли инсультга сабаб бўлган.

●Жорий йилнинг охирига қадар Грузияда НАТО стандартларига тўла мос келувчи мамлакатда дастлабки ҳарбий базанинг қурилиши якунланади. Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашвилининг сўзларига қараганда, база Абхазиянинг Гал районидан бир оз нарирокда қурилмоқда ва унинг мақсади ушбу ҳудудда мамлакат хавфсизлигини таъминлашдир.

●Бельгиянинг Брюссель шаҳрида босқинчилар томонидан марказий темир йўл вокзали атрофида ўлдирилган 17 ёшли Жо ван Холсвекнинг хотирасига бағишланган намойиш бўлиб ўтди. Унда 80 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

●Санкт-Петербургда «Этернал геймс» номли йирик халқаро кўргазма очилди. Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ҳайкалтарош ва рассомларнинг ўзига хос ва эксцентрик ишлари мухлислар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

●Австралияга «Моника» номли тропик тўфон яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан мамлакатнинг шимолий қирғоқларига яқин аҳоли пунктларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Мутахассисларнинг билдиришича, тўфоннинг эпицентри соатига 350 километр тезликда ҳаракат қилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 26 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ПОЙТАХТИМИЗ БОЗОРЛАРИ ТЎКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА САРХИЛ МЕВАЮ САБЗАВОТЛАР, БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ВИЛОЯТЛАР ДЕҲҚОНУ БОҒБОН ҲАМДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИДИР.



Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Сергели туманидаги 301-мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Қизларимиз — фахримиз» деб номланди.

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси— ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

●**БУГУН** Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Терроризм ва унинг салбий оқибатлари» деб номланди.

●**БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида май, июнь ойларида ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масаласига бағишлаб уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, туман фаоллари, сайловчилар, ёшлар иштирок этишди.

●**БУГУН** «Чашма» маҳалласида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ўсмирлар, ёлғиз қариялар тиббий кўрикдан ўтказилди.

●**КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги, самарадорлигини ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

●**ЭРТАГА** Миробод туманидаги 154- мактабда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ойлавий жамоалар ўртасида уюштириладиган спорт мусобақалари «Отам, онам ва мен» деб номланади.

●**БУГУН** Юнусобод туманидаги фаол аёллар иштирокида аёлларнинг маънавиятини шакллантириш мақсадида ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Ахборот технологиялари университети негизида Ўзбекистон —Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ҳамшаҳарларимиз дастурхонига

ХАРИДОРЛАР МАМНУН БЎЛМОҚДА

Мана икки ойдирки, пойтахтимизнинг «Фарҳод» деҳқон бозорида Андижон вилояти деҳқон ва соҳибкорлари сифатли ҳамда арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан Чилонзор тумани аҳли ҳамда ҳамшаҳарларимизни мамнун этишмоқда.

—Пойтахт аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш борасида ҳамда ярмарка давомида шу ерда яшаш учун вакилларимизга керакли барча шароитлар яратилган, — дейди ярмаркалар ўтказиш бўйича Андижон вилояти вакили Камол Ҳамидов. —Икки ой давомида харидорларга 500 тоннага яқин мева-сабзавот, гўшт ҳамда тухум маҳсулотларини етказиб бердик. Айниқса, Наврўз байрами кунларида шаҳар аҳолиси хизматимиздан бениҳоя мамнун бўлишди. Нафақат байрамлар арафасида, балки пойтахт аҳолиси учун доимий ярмаркалар ташкил этиб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, харидорларга сифатли хизмат кўрсатиш ниятидамиз. Ҳадемай эртаги картошка, пиёз каби сабзавотлар ҳамда сархил мевалар билан пештахталарни тўлдиришни кўзда тутганмиз.



Албатта, вилоятдан режа асосида шартномага кўра келтирилаётган маҳсулотлар нафақат сифати, балки нархи билан ҳам харидорларни қониқтирмоқда.

— Андижон вилоятининг боғбон ва фермерларидан жудаям мамнунмиз,—дейди харидор Карима Тўйчиева.—Энг муҳими, улар биз учун керакли бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини икки ой мобайнида кетма - кет етказиб беришди.

Бозорларимизнинг фақатгина қиёфаси билангина эмас, хизмат кўрсатиш жиҳатидан ҳам талаб ва эҳтиёжга жавоб бериши қувонарли ҳол албатта. Бу борада «Қишлоқ — шаҳарга» шиори остида иш юритаётган вилоятлик юртдошларимизнинг хизматлари ибратлидир. Бу анаъна эса давом этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Фарҳод» деҳқон бозорида Андижон вилоятидан келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

26 апрель — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ ТЎЛДИ



Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси акс этади.

Мустақиллик йилларида юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай давлат мукофотлари, орден ва медаллари таъсис этилди. Улардан бири Амир Темур орденидир.

Соҳибқирон нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахслардандир. Унинг ҳаёти, фаолияти, авлодларига қолдирган бой мероси асрлар оша халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз раҳнамолигида яратилган бетакрор тарихий обидалар, осори атиқалар ҳанузгача темурийларга хос куч-қудрат, боқийлик тимсоли бўлиб келаётир.

Истиқлол ўтмишимиз, аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, уларнинг бой маънавий меросига холисона ва ҳаққоний ёндашиш имконини берди. Кўплаб улуғ аждодларимиз сингари Соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳам муносабат ва қарашлар ўзгарди. У бугунга келиб миллат тимсолига, халқимизнинг фахру ғурурига айланди.

1996 йилда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг, тарихимиз ва улуғ аждодларимизнинг яна бир жаҳоний эътирофи эди. Ана шу қутлуғ сана арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасстаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунда қайд этилишича, фуқаролар билан бирга, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Тарихдан маълумки, Самарқанд ва Шаҳрисабз Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятида кенг ўрин тутган. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб- яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун барча юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, хорижлик сайёҳларда эса, катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келади.

Мустақиллик йилларида ҳам бу шаҳарлар ўзгача чирой очди. Янги-янги иморатлар, замонавий иншоотлар уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан, 1996 йилнинг 28 август куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Андижон вилояти ҳам ана шундай юксак мукофот билан тақдирланган.

2004 йилнинг 13 июль куни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг бу юксак ғалабаси Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур орденига сазовор бўлди.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтса-да, улуғ саркарданинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улуғвор, покиза сиймоси барчамизни янгидан-янги зафарларга, ютуқларга ундовчи куч- қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва мангулик тимсоли бўлиб қолаверади.

Рустам ЖАББОРОВ, ЎзА шарҳловчиси

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИГА БАҒИШЛАНДИ

БУГУНГИ КУНДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС ЭКАНЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМДИР. МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕВОСИТА РАҲНАМОЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯЛАШ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аёлларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Куни кеча шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Жамиятни демократлаштириш, модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларида жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва фаол аёллар иштирок этди. Йиғилишни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова бугунги кунда фуқаролик жамияти қурилишида аёлларнинг ўрни, жумладан яқин кунларда бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинларига сайловларга тайёргарликлар хусусида гапириб, хотин-қизларнинг ушбу жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари вазифасига аёлларни ҳам тавсия қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитасининг раиси, юқори палата Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Мавжуда Ражабова сўзга чиқиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасида кенг кўламдаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлигига урғу бериб, шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ жараён муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини, шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамиятли тадбир сифатида очиқ ва ошкора руҳда, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилиши зарурлигини қайд этди.

Баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар остида ўтказилган давра суҳбати давомида сайловлар билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Инсон ва қонун

Тинчлик- тотувликни сақлашда профилактика инспекторларининг маҳалла оқсоқоллари, посбонлар ва кекса, пиру бадавлат отахонлар билан яқин ҳамкорлиги яхши натижаларни бермоқда.

СУРАТДА: Учтепа туманидаги Хондамир маҳалласи 9-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Комилжон Ғаппоров посбонлар сардори Муҳаммадумар Турсунов ва посбон Босит Азимовлар билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат



МАЪЛУМКИ, 2006 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА НУТҚ СЎЗЛАГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲОЗИРДА ПАРЛАМЕНТИМИЗ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ.

Мулоҳаза

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛСА...

— «Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий Кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман» деб таъкидлади Юртбошимиз. Яъни энг жиддий камчиликлардан деб, сенат аъзолари маҳаллий Кенгашлар депутатлар корпуси билан алоқаларининг узилиб қолганлиги кўрсатилди. Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари орасидан 6 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркибига сайланади. Демак, мазкур шахслар ҳудудий вакиллик принципига асосланган ҳолда ўз сайловчиларининг манфаатларини мамлакатимиз парламентида ҳимоя қилади. Сайловчилар деганда, биз маҳаллий Кенгашларни назарда тутаяпмиз. Лекин, бугунги кунда сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан муносабатларида айрим камчиликлар мавжудлиги Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

Шундан келиб чиқиб, биз Тошкент Давлат юридик институти магистрлари Президентимиз нутқини тўлиқ ўрганиб чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш керак. Амалдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси»нинг талаблари суст бажарилаётгани Президентимиз томонидан уқтириб ўтилди.

Иккинчидан, сенат аъзоларининг маҳаллий Кенгашлар сессияларида ҳар йили ҳисобот бериши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шу ҳисобот уларнинг парламентда ўзи сайланган ҳудуд манфаатларини кўзлаб амалга оширган ишларини ҳам қамраб олиши керак, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг парламент назорати соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда эса маҳаллий Кенгашлар кўмагидан кенг фойдаланиш зарур. Чунки, ҳудудлардаги муаммолардан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари яхши бохабар бўлади. Сенат аъзолари айни вақтда маҳаллий Кенгашлар депутатлари эканлигини ёддан чиқармасликлари зарур, шу сабабли маҳаллий электорат билан ҳам мунтазам равишда учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, маҳаллий депутатлар кенгашлари билан ҳамкорлик олиб боришда Сенатда махсус комиссия ташкил этилиши керак, деб ўйлаймиз. Бу комиссиянинг асосий вазифаси этиб маҳаллий Кенгашлардан келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиш ҳисобланади. Шунга ўхшаш парламент комиссиялари Германия, Италия давлатларида мавжуд бўлиб, улар ўзининг фаолияти билан юқори палатада қабул қилинадиган қарорларда ҳамма ҳудудларнинг манфаатлари тенг равишда инобатга олинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад— «Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш» деб, таъкидлаган эди. Ана шу вазифани амалга ошириш учун эса юқорида берилган таклифлар эътиборга олинса, кўпчиликнинг дилидаги иш бўларди, деб ўйлаймиз.

Азизхон АҲМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистранти

НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ ВА ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРГА ХИЛОФ РАВИШДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИГА НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН, БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАМАСДАН ЧЕТДАН ТОВАРЛАР ОЛИБ КЕЛАЁТГАН БИР НЕЧА ШАХСЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИШГА ДОИР ТЕЗКОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик қатлами тобора кенгайиб бормоқда, кичик бизнес субъектлари ва ишбилармонларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзларга қарамай айрим «тадбиркор»лар томонидан мўмай даромад олиш мақсадида божхона тўловларисиз компьютер ва «DVD» жиҳозлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Қолаверса, бугунги кунда компьютер ва «DVD» жиҳозларига эга бўлган хонадонлар ҳам талайгина. Фуқаролар томонидан бозорлардан сотиб олинаётган маҳсулотлар сифатига келсак, «DVD» жиҳозлари кўпи билан 1-1,5 ой давомида яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Шундан сўнг харидор ва сотувчи ўртасида можаролар бошланади. Агарда ўша уддабурон тадбиркор ҳали ҳам савдо расталарида ёки ўша дўконда савдо қилаётган бўлса албатта.Кўп ҳолларда уддабурон тадбиркорларимиз ўз «товари» каби фаолиятларини 1-1,5 ой олиб борадилар ва жойдан жойга кўчиб юрадилар. Эътибор берган бўлсангиз бозорларда, савдо расталарида компьютер, аудио-видео ва «DVD» жиҳозлари савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам қонуний фаолият юритаяпти деб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам қонунбузарликларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига мурожаат қилиб келмоқдалар ва бу турдаги қонунбузарликларнинг олди олинмоқда.

Яқинда бошқарма ходимлари томонидан «Чилонзор буюм бозори» ҳудудидаги автомобиллар тўхташ жойида текширув ўтказилди. Текширувда «Мерседес» русумли 22 М 00-22 давлат белгили автомашина кўздан кечирилиб, автомашина ичида 69 дона «DVD» аппаратлари ҳамда 10 дона телевизор тюнерлари мавжудлиги аниқланди.

Бундан ташқари, фуқаро Д. Ҳафизованинг автомобиллар тўхташ жойида жойлашган «баллонларни ямаш устахонаси» томон безовталаниб қараши ходимларда шубҳа туғдирди ва у жой кўздан кечирилганда, устахона ичида яна 58 дона телевизор тюнерлари борлиги маълум бўлди. Шунингдек, юқорида қайд этилган, чет элда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами 5 миллион 485 минг сўмлик 69 дона «DVD» аппаратлари ва 68 дона телевизор тюнерлари фуқаро Д. Ҳафизовадан далилий ашё сифатида олинди.

Бу турдаги маҳсулотлар аслида божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган ҳолда ҳамда турғун савдо нуқталари орқали сотилиши шарт бўлсада афсуски, уддабурон тадбиркорларимиз меъёрий қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтишга ёки беписандликка йўл қўймоқдалар. Бу билан ўзларини тадбиркорман деб юрган фуқаролар бир томондан давлат бюджетига қанчалик зарар етказишаётганлигини, иккинчи томондан истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотларни сотиб уларнинг ҳуқуқларини поймол қилаётганликларини ва ўзлари олиб бораётган ноқонуний фаолиятлари сабабли бир кун келиб ҳам маблағлари, ҳам маҳсулотларидан айрилиб, қонун олдида жавоб беришларини билишармикан?

Куни кеча Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчасида фуқаро А. Пак хорижда ишлаб чиқарилган 16 миллион 440 сўмлик 23 тўпламдаги «Pentium-4» компьютерлари, 5 дона принтер ва 4 дона сканер ускуналарини 13 минг 700 хориж валютасига ҳисоблаб сотаётган вақтида Яккасарой туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ноқонуний фаолиятнинг олди олинди. Олиб борилган тезкор тадбир давомида фуқаро А. Пак «Прогресс савдо» хусусий фирмасининг пойтахтимизнинг Навоий кўчасида жойлашган 9-сонли дўкон раҳбари эканлиги аниқланди.

Шу куни бўлим ходимлари томонидан туман ҳудудидаги «Аския деҳқон бозори»да ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро С. Акбаров ва М. Юсуповлар 25 дона «DVD» плеерларини фуқаро Р. Умеркаев бошқарувидаги «ВАЗ» автомашинасига юклаб сотиш учун олиб келаётган вақтида қўлга олинди. Тадбир давомида фуқаролар С. Акбаров ва М. Юсуповлар бу товарлар учун на сифат сертификати, на божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим эта олдилар.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фуқароларимизнинг ўзлари ҳам бозорлар, савдо расталаридан хорижнинг номдор фирмалари ёрлиқлари остидаги маҳсулотларни арзон нархда харид қилаётган вақтларида сотувчидан сифатини, яроқлилиги муддатини тасдиқловчи ҳужжатлар ва назорат-касса машинасининг чекини ёки унга тенглаштирилган тўлов қоғозини талаб қилишни унутмасликлари лозим. Агарда сотувчи бу каби ҳужжатларни бермадими, билингки сиз харид қилаётган маҳсулот божхона назоратини четлаб ноқонуний йўллар билан мамлакатга кириб келган ва сохта тадбиркорлар томонидан сотувга қўйилган маҳсулотдир.

Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг катта инспектори

«050»: «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ ТАРКИБИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ ҲУДУДИ ВА АҲОЛИСИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА АҲОЛИНИ ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ, УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН КУЧ ВА ВОСИТАЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ, ДОИМИЙ ШАЙ ҲОЛАТДА БЎЛИШ ҲАМДА ХАВФЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА 1999 ЙИЛ 26 АПРЕЛДА «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ.

● Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» ҳамшаҳарларимизнинг мушкулини осон қилаётганлиги барчамизга аён. Инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган чақирувларга, мурожаатларга асосан «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

● 2006 йил бошидан буён «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари 60 та хонадондаги қариялар ва ногирон инсонларнинг мушкулини осон қилиб, тиббий ёрдам кўрсатдилар. Газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиқ қолиб, ёнғин чиқиши мумкин бўлган хонадонларнинг соҳибларига ёрдам кўрсатиб, жорий йил бошидан буён 72 та ёнғин содир этилишининг олди олинди.

● Булардан ташқари 80375 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан Фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, ёруғлик таъминоти, оқава сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари мувофиқлаштирилиб борилди.

● Бошқарма «Қутқарув хизмати» ташкил этилгандан буён шу кунга қадар ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига тааллуқли 13114 маротаба фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олди олинди.

Ҳусниҳон ТОЖИБОЕВА,
бошқарма матбуот гуруҳи етакчи мутахассиси

Қонун барчага баробар

ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР. АЙНИҚСА СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА БУ СОҲАГА ОИД ҚАТОР ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТИЗИМНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ЎЗИНИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИНИ ҚЎШМОҚДА. БИРОҚ АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ТАЛАБ ВА ТАРТИБЛАРГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТДА БЎЛИШЛАРИ НАТИЖАСИДА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ БИР ОЗ ОҚСАМОҚДА.

Шу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳам доимий равишда тезкор қидирув тадбирларини олиб боришади. Бир неча фуқаролар томонидан келиб тушган ариза асосида олиб борилган тезкор тадбирда туманнинг Пушкин кўчаси, 59-уй ёнида жорий йилда фуқаро Б. Ниёзов ўз бошқарувидаги 10 Р 9010 давлат рақамли «Нексия» автомашинасида, фуқаро Х. Усмонов ўзининг бошқарувидаги 30 А 1909 давлат рақамли «Дамас» автомашинасида Туркия, Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган маиший молларни харидорларга сотиб, ноқонуний савдодан тушган 3 миллион 322 минг сўм нақд пулни фуқаро Б. Ниёзов, 350 АҚШ долларларини эса Х. Усмонов кассага эмас, балки киссага ураётган вақтларида уларнинг ноқонуний фаолиятларига бўлим ходимлари томонидан чек қўйилди.

Умумий қиймати 3 миллион 759 минг 500 сўмлик бир неча турдаги 49 дона маиший техника моллари ҳуқуқбузарлардан далилий ашё сифатида олинди.

Олиб борилган суриштирув давомида Х. Усмонов «Хадра электроникс» дўкони сотувчиси эканлиги, фуқаро Б. Ниёзовнинг эса хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши маълум бўлди.

Маълумки, инсон саломатлиги ижтимоий қадриятлар ичида ҳамиша энг муҳими ҳисобланган. Ўзимизнинг ва ўзгаларнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланмиш саломатликка дахл этувчи ҳар қандай ҳолат жиноятдир.

Бўлим ходимлари томонидан олиб борилган навбатдаги назорат тадбирларида худди шу ҳолат билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларга ўз вақтида барҳам берилди.

Фуқаро Равшан Бурҳонов тадбиркорликнинг ноқонуний йўлини танлабгина қолмай, балки ўзининг бу фаолиятига фарзандлари Жамшид ва Жаҳонгир Бурҳоновларни ҳам жиноий шерик қилди.

Ота-бола Бурҳоновлар Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 58-уйда «қўлбола» усулда тайёрланган спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи яширин цех фаолиятини йўлга қўйишган эди. Мўмай даромад илинжида пул топишни мақсад қилган бу шахслар истеъмолга яроқсиз маҳсулотлари билан дўкон пештахталарини тўлдириб келишаётган эди.

Бу маҳсулотлар истеъмолчилар учун кўпдан бери таниш бўлган «Тошкент» ароғи ва «53» вино ёрлиқлари билан харидорларга сотиб келинган.

Хуфёна тарзда ташкил этилган бу цех фаолияти Шайхонтоҳур туман ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда кўздан кечирилганда ишлаб чиқариш ҳудуди санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Шу куни сотув учун тайёрлаб қўйилган умумий қиймати салкам 160 минг сўмлик ароқ ва вино маҳсулотлари, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари ишлаб чиқариш мослама ва ускуналари, қопқоқлар, ёрлиқлар далилий ашё сифатида олинган.

Бўлим ходимлари томонидан ўтказиладиган бу каби тадбирлар натижасида давлат ва фуқаролар фаровонлигига тўсқинлик қилувчи жиноий ҳаракатларга ўз вақтида барҳам берилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишни лозим топдикки, фуқаролар ўз фаолиятларини ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда олиб борсалар юқоридаги каби нохуш ҳолатлар юзага келмайди.

Алишер ТОЖИЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Иқтисодиёт

БЕЗАКЛАРИ ТИЛЛАДАН

МАҲСУЛОТ КЎРИНИШИ ВА СИФАТИ ХАРИДОР ТОПИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ-ЭТАДИ. АЙНИҚСА, БЕЗАКЛАРИ «ТИЛЛОДАН» БЎЛГАН ШАРҚОНА ЧИННИ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ КЎП ЙИЛЛАРДАН БУЁН БОЗОРГИРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Ана шундай жарангдор ва ўзига хос безакли, пахта гулли, зарҳал билан жило берилган чинни буюмларини харидорларга тортиқ этишда Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган чиннисоз ҳунарманд, хусусий тадбиркор Моҳира Усмонованинг ўз ўрни бор.

—Ўзимизда тайёрланган ва Хитойдан келтирилган чинни маҳсулотларига миллий қадриятларимиз, шарқона удумларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳамда харидор талабини ўрганиб безак бериш ишлари билан шуғулланамиз, — дейди хусусий тадбиркор Моҳира Усмонова. — Ҳозирда 10 нафардан зиёд шогирдларга ушбу ҳунар сир-асрорларини ўргатиб бораяпман. Қувонарлиси эса уларнинг маҳорати яққол акс этган 100 турдан зиёд сифатли ва арзон чинни буюмларимиз харидоргирлиги билан ажралиб туради. Асосан сифатли бўёқлардан фойдаланишга, уларни талаблар даражасида чинниларга сингдиришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, бозорни ўрганиш асосида замонавий турдаги чинни маҳсулотларига ҳам нақш ва безаклар тушираяпмиз.

Моҳира Усмонова ва унинг шогирдлари безаётган чинни маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки қўшни давлатларда ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида хусусий тадбиркор банкдан молиявий кўмак— кредит олишга ҳаракат қилмоқда. Албатта, ана шу асосда маҳсулот турлари ҳам кўпайиб, кўпгина ёшлар иш билан таъминланади, ҳунар ўрганади.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР, ҚАДОҚЛАШДАГИ МАҲОРАТ ТОВАРЛАР ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, БУЮРТМАЛАРНИНГ ОРТИБ БОРИШИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

Тадбиркорларимиз буни яхши англаётгани бозорларимизни таъминлаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларда яққол акс этмоқда. Айни кунларда хусусий тадбиркор Баҳром Аҳмаджоновнинг саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқарилаётган 4 турдаги соч ювиш воситалари ҳам сифати, фойдалилиги ва қадоқланиши билан бемалол четдан келтириладиган ана шундай товарлар билан рақобатлаша олади. Буни харидорлар ҳам эътироф этишмоқда.

Шуниси эътиборлики, ушбу шампунлар нафақат мамлакатимизда, балки хориж бозорида харидорини топмоқда. Бунинг учун эса хусусий тадбиркор қўшни давлатлар бозорини ўрганмоқда, энг муҳими сифатга, жаҳон андозалари даражасида қадоқлашга эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқариш цехи замонавий линиялар билан жиҳозланган бўлиб, бугунги кунда хориждан келтирилган хом ашёдан тайёрланаётган «BRAVO», «Фруктовая фантазия», «Лесная лужайка», «Нефертити» деб номланган шампунлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Жорий йилда эса маҳсулот турларини яна 10 тага кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Шарифа БАҲРОМОВА

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАР БИР ҲУДУДНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларининг ортиши бевосита маҳаллий бюджетларнинг даромадлари тизимини бошқариш билан боғликдир. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Маҳаллий бюджетлар самарали фаолиятини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Қарорга мувофиқ харажатларнинг тежалиши ҳамда даромадларнинг ортиғи билан бажарилишига кўра ҳосил бўлган молиявий маблағлардан маҳаллий бюджетларнинг манфаатдорлигини ошириш йўлида сарфланиши кўзда тутилган. Бу маҳаллий бюджетлар даромадларини бошқаришдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки бу орқали маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий манфаатдорлиги қондирилади.

Маҳаллий бюджетларни бошқариш сиёсатининг стратегик мақсадини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг стратегик мақсади давлат ягона бюджети сиёсати ҳамда бюджет қонунчилигининг ўзгарувчан талаблари асосида, маҳаллий бюджетлар масъулиятлари ортишининг кафолатланган ҳамда рағбатлантирувчи даромад базалари билан таъминлаш орқали эришиладиган барқарор ривожланишнинг шарт-шароитларини яратишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, бюджет сиёсатидаги янги талаб ёки ўзгариш,маҳаллий бюджетларнинг имкониятлари билан мувофиқлигини шундай таъминлаши зарурки, бунда ҳар қайси маҳаллий бюджет бўғини маълум маънода истиқболдаги ўсишни таъминлайдиган маълум заҳира ёки имкониятга эга бўлсин.

Маҳаллий бюджетларни бошқариш тизимининг қатор устунлик томонлари мавжуд. Жумладан, бу тизим маҳаллий даромад маблағларидан қатъи назар ҳудудларни зарур маблағлар билан таъминлаш учун имконият яратади ва уларнинг ривожланиш шароитини тенглаштиради, маҳаллий ҳокимият органларининг умумдавлат солиқларини ўз вақтида ундирилишини таъминлашдан манфаатдорлигини оширади.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими муайян камчиликларга ҳам эга. Шундан асосийси — маҳаллий бюджетларнинг бошқариладиган даромадларини белгилашда субъектив ёндашув имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бу умумдавлат солиқларидан ажратмалар улуши ва уларнинг турини белгилашда намоён бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини қўпайтириш маҳаллий ҳокимият органларининг ушбу бюджетларни тузиш, ижро этишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғликдир. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ошиши бевосита корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволи билан боғликдир. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини солиқлардан тушадиган даромадлар ташкил этаётган ҳозирги кунда, солиқ тизими фискал функциясининг кучайиши корхоналарнинг молиявий аҳволининг оғирлашишига олиб келади. Шу сабабли, охирги йилларда республикада солиқ тизимининг рағбатлантирувчи вазифасини ошириш, корхона ва ташкилотларнинг солиқ юкини камайтириш сиёсати олиб борилмоқда.

Ўғилой ҲОШИМОВА,
Тошкент Молия институти 2-босқич талабаси

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ЎЗБЕК ВА ҲИНД ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР УЗОҚ ТАРИХГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. БОБОКАЛОНИМИЗ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ «ҲИНДИСТОН» АСАРИ ОРҚАЛИ БУ ДИЁРНИ ОЛАМГА МАШҲУР ҚИЛГАН БЎЛСА, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВА УНИНГ СУЛОЛАСИ ДАВРИДА МАЗКУР МАМЛАКАТ ЯНАДА БАРҚ УРИБ РИВОЖЛАНДИ.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатида Ҳиндистон билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Жорий йил 25- 26 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон бош вазири Манмоҳан Сингх давлат ташрифи билан юртимизда бўлади.

Шу муносабат билан Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази директори В.ВАСУДЕВАН ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳиндистон дунёнинг деярли барча мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган, лекин ҳинд маданият маркази бор-йўғи ўн етти мамлакатда мавжуд. 1995 йилда Тошкентда ҳам шундай марказ очилди. 2005 йилда унга Лаъл Баҳодир Шастри номи берилди.

Марказ Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари, ҳинд тилига ихтисослашган мактаблар билан мунтазам алоқани йўлга қўйган. Марказ ҳузурида «Катхат» ҳинд мумтоз рақси, «Табла» ҳинд мусиқа асбоби, «Йога» каби ҳафталик дастурлар, ҳинд тили, ҳиндшунослик бўйича ўқув курслари бор.

Шу ўринда ўзбек миллий рақслари билан «Катхат», сизларнинг доира билан бизнинг «Табла» жуда ўхшаш эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек, мумтоз мусиқа мақомлари ҳам бир-бирига анча яқин.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда.Жумладан, талабалар алмашиш дастури яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик талабалар бакалавр ва магистратура йўналиши бўйича Ҳиндистон олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Ўзбекистонга яқинда келган бўлишимга қарамай, халқингизнинг меҳмондўст ва очиқ кўнгиллигига ҳар қадамда гувоҳ бўлаётганимни таъкидламоқчиман. Ўзбекларнинг ҳинд маданияти ва санъатига, жумладан, мусиқаси ва киносига қизиқиши мени ғоят қувонтирди. Бизнинг дастурларимизда иштирок этаётган ўзбек ёшларини кузатиб, юртингизда ёш авлод билимга чанқоқ ва интилувчан эканига амин бўлдим.

Халқларимизнинг муштарак маънавий ва маданий қадриятлари мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

ЎзА мухбири
Фазлиддин АРЗИЕВ
суҳбатлашди

Алоқа

МАҚСАДИМИЗ — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ МУКАММАЛ ЎЗЛАШТИРИШ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТГАН 10-15 ЙИЛ ИЧИДА, БАРЧА ЖАБҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ, АЛОҚА ТИЗИМИДА ҲАМ ОЛАМШУМУЛ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА. БАРЧАМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА БУ СОҲА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН РАҚАМЛИ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, республикамизнинг магистрал тармоқларида оптик толали кабеллар кенг қўлланилаётир. Кўплаб ривожланган давлатлар телекоммуникация тармоғининг Транс-Осиё-Европа оптик толали алоқа тизимида ҳам Ўзбекистон магистрали катта ўрин тутади. Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган бундай кабель линияси қурилиши 1997 йилда тугалланган ва бу мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги мустаҳкам бўлиб бораётганидан далолат беради. Айни пайтда «Алкател», «Нек Хуавей» каби дунёнинг энг сара телекоммуникацион компаниялари билан шартномалар имзоланган бўлиб, бу борадаги ишлар ижобий суръатларда давом этмоқда. Уяли алоқа компаниялари бўлмиш «Уздунробита», «Юнител», «Коском» ва бошқалар аҳолининг алоқа воситасига бўлган талабини қондириш, сифатли хизмат кўрсатиш йўлидаги мақсадлар учун етарли даражада шароитларни яратмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1,2 миллионга яқин киши уяли алоқадан фойдаланади. Бу аввалambор шундан далолат берадики, республикамизда алоқа тизимлари яхши фойда бермоқда ва мазкур соҳа самарадорлигини янада ошириш юзасидан мамлакатимизда доимий равишда тадқиқот ва ташвиқот ишлари юритилаётир. Бу борада турли даражадаги илмий-амалий конференциялар эса алоҳида ўрин тутади.

Куни кеча Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамкорлигида «Фан ва таълимда ахборот коммуникация технологиялари» мавзусида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжумани фикримизнинг яққол ифодасидир. Ушбу тадбир доирасида ахборот технологиялари, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение, телекоммуникация тармоқлари ва тизимлари, иқтисодиёт ва менежмент, янги педагогик технологиялари каби йўналишлар бўйича маърузалар тингланди. Конференцияда «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бир қатор ўқув юртларининг кўплаб мутасадди ходимлари, профессор-ўқитувчилари, журналистлар ва талабалар иштирок этди. Умуман оладиган бўлсак, анжуман олий даражада ташкил қилинди деса бўлади. Хусусан, маърузалар тақдимоти Интернет, диапроектор ва ҳар хил зарурий дастурлардан фойдаланилган ҳолда ўтказилди. Талабалар ўзларининг маъруза матнларини ўзбек, инглиз ва рус тилларида баён қилдилар. Ўйлайманки, мана шундай конференциялар албатта етук мутахассисларнинг етишиб чиқишига яхши замин яратади. Бугунги кунда талабалар олдига қўйилаётган талаб шундан иборатки, биз замонавий технологияларни мукаммал ўрганишимиз, танлаган касбимизни чуқур даражада эгаллаб, мамлакатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Умид НИЁЗОВ,
Тошкент Ахборот технологиялари университети 2-босқич талабаси

Ўз-ўзи ўргатиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бу байтлар Анушервонга ёқиб қолди. У биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам ва иккинчи байтни ўқиганга беш юз дирҳам бериб юборишни тайинлайди. Ҳозир бўлганлардан бири Анушервондан:

—Эй одил амир, уларнинг байтлари битта маънога эга, нега тухфани икки хил бердинг?—деб сўради.

Анушервон унга шундай деди:

—Сўзлашда тафовут катта, биринчисининг сўзи бошдан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчисиники эса фақат ёмонликни эслатди. Яхши гап ҳам ёмоннинг оғзидан ёмон бўлиб чиқади, кимнинг юрагида яхши бўлса, доимо яхшиликка зйкр қилади, ёмон кишилар эса ёмонликдан гапирадилар. Байт:

Чинни коса қачон садо қиладир,
Ўз сифати мадҳи адо қиладир!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Қил яхшилиғу, демакни дохил қилма,
Миннат била яхшиликни ботил қилма.

НАВОИЙ

Яхшилик йўлида чекилган меҳнат ерда қолмайди.

Яхши одам ўзини ҳам ранжитмайди, ўзгани ҳам хафа қилмайди.

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

«ОТАЛАР сўзи»

Одам бўл одамга одамийлик қил,
Одам деган отни, мақтовни ол.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ҲИКМАТ. Уч хислатга эга бўлмоқ олий даражага етмоқдир. Биринчи, сенга ситам қилган кишини кечирмоқ. Иккинчи, сенга ёмонлик қилган кишини ёмонлаб юришдан тийилмоқ. Учинчи, ёмонлик қилганга яхшилик қила билмоқ:

Мехрсиз, гиначи душман дилини
Тўлдирсанг мумкиндир сен эҳтиромга.
Овчини кўргилу ибрат ол ундан,
Дон билан қушларни туширар домга!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Эй фарзанд, сен панду насиҳатларга қулоқ солсанг ва улардан ибрат олсанг, яхшилаб амал қилсанг, дилинг доимо шод бўлади, кундан-кунга ўсаверасан!

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсалардан сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан?—деб сўраб қолди.

— Ҳа, ўша чўпонман,—жавоб берди Луқмон,—ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг?—сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзини барчадан кам олишдан! — деб жавоб берди.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Яхшилиғ кўз тутма ондин ким эса
Бадсиёқу бадсиёқу бадсиёқ.
Дўст бўлса они гар, бўлмай санга,
Бенифоқу бенифоқу бенифоқ.
Сирри пинҳоннинг билурга айласа
Иттифоқу иттифоқу иттифоқ.

УВАЙСИЙ

Бордир инсон зотида онча шараф,
Ким ёмон ахлоқин этса бартараф.

НАВОИЙ

Енгил ўтсин десанг ўз кунингни сен,
Ёмон билан улфат бўлма, юр йирок,
Йўлингга дон сочиб қўяди тузоқ
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

Паҳлавон МАҲМУД

Бировки тамаъ риштае қилғуси,
Унинг бирла бўғзидан осилғуси.

НАВОИЙ

Яхшилиги йўқ одам ёлғизликда жон беради.
Сен емасанг ҳам, авлодинг есин!
Ўтганлар заҳмат-ла экқан бу боғдан
Мева ер келажак авлодларимиз!

«ОТАЛАР сўзи»

Эй фарзанд, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дейишган:

Дунёда топайин десанг омонлик,
Бировга заррача қилма ёмонлик!

Демак яхшилигинг хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, уни бировлардан дариғ тутма. Арзимаган бир яхшиликни ҳам бировга раво кўраманми деб ўйланиб ўтирма! Дунёда ким нимани экса, ўшани ўради.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Яхшилик ёмонликни куйдирувчи олов.

Яхши билан дўст бўлган ёмонлардан қутилар.

Бирор кимсага катта яхшилик қилган бўлсанг, уни кичик деб бил, биров сенга яхшилик қилган бўлса, уни катта деб бил!

«ОТАЛАР сўзи»

Бировнингким бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

БОБУР

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАЯНЧ МАСКАНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИКДА КЕЛАЖАК АВЛОДНИ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАҚИДА АМАЛИЙ БИЛИМЛАР БЕРИШ, ҚОЛАВЕРСА «ДАВЛАТ ТАРИХИ» ФАНИ БЎЙИЧА ЧУҚУР БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА БИР ҚАНЧА ИБРАТЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.

Ташаббус


ТАРИХ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг 11-бандини ҳаётга татбиқ қилган ҳолда Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманларидаги васийликка олинган 100 нафар ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларни Темурийлар тарихи Давлат музейи ва Давлат тарихи музейига саёҳатга олиб бориш ташкиллаштирилди.

Саёҳат давомида болалар музейнинг барча залларидаги экспонатлар билан танишдилар, музей ходимларининг маърузаларини тингладилар. Саёҳат сўнгида ўқувчилар билан мулоқот ўтказилди. Бунда улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бундай тадбирларни мазкур жамғарма йил давомида барча туманлардаги ота-она меҳрига муҳтож бўлган болалар учун ташкиллаштиришни ўз дастур режаларига киритган.

Адҳам УСМОНОВ



Танловлар

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР БАҲС ЮРИТДИ

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ САМАРАДОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАЗКУР ЙЎНАЛИШНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА ОММАЛАШТИРИШ, ХАЛҚ АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТИ ТЎГАРАКЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТАЖРИБА АЛМАШИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАР МАВҚЕИНИ ОШИРИШ, БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИНИ ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ, ИЖОДИЙ ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРНИ ТОПИШ, ҚЎЛЛАШ МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗДА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ 15 ТА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ШАҲАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИДА «КАМАЛАК—2006.МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК» МАВЗУИДА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ШАҲАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик,наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, шарқ миниатюраси, миллий кашта, зардўзлик, қуроқ, бадиий тўқиш, бисер тўқиш ва тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар, флористика йўналишлари бўйича ўтказилган мазкур фестивалда туман босқичида биринчи, иккинчи, учинчи совринли ўринларни эгаллаган 300 дан зиёд ғолиб ўқувчилар иштирок этдилар. Экспозицияда ёшларнинг мингга яқин ишлари намойиш қилинди.

— Бу фестиваль, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси аъзоси, халқ рассоми, ёғоч ўймакорлиги устаси Ортиқ Файзуллаев. — Болаларнинг ўз иқтидорларини намойиш қилишга, уларни янада руҳлантиришга замин яратди. Иштирокчиларнинг барчаси интилиш, изланиш, яратувчанлик ҳислари билан тўлиб-тошган, бундан эса фақат қувониш керак. Бундай танловларни ўтказиб туриш уларга ўз устиларида тинмай ишлашлари учун туртки бўлади.

Танловда Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, шарқ миниатюраси устаси Ҳасан Исакжонов, график рассом Абдуборий Маҳкамов, кулолчилик устаси Фозил Мирзаев, либос устаси Гулчеҳра Алимова, бутафория устаси Нина Петровна дан иборат тажрибали ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг ишларини уч кун давомида баҳолаб борди ва ғолибларни аниқлади. Энг иқтидорли деб топилган 80 нафар ёшлар Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази ва «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан Фаҳрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳа.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат

Кўргазмалар

ҚИРҚ ҚЎШИҚ НАФОСАТИ

БУГУНГИ КУНДА ИҚТИДОРЛИ ВА ТАНИҚЛИ РАССОМ РУСТАМ ЭРМАТОВ ИЖОДИГА ҚИЗИҚМАГАН ОДАМ БЎЛМАСА КЕРАК. УНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЮЛДУЗ УСМОНОВА САНЪАТИ ВА СИЙМОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ.

Халқлар дўстлиги саройида севимли хонанда Юлдуз Усмонованинг концерти олдидан Рустам Эрматов шахсий кўргазмасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Кўргазманинг очилиш маросимида фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев сўзга чиқиб Рустамжоннинг серқирра ижодий фаолияти, нозик дид билан яратган асарларига юксак баҳо бердилар. Шунингдек, тадбирда рассомнинг устозлари, яқинлари ва дўстлари ҳам сўзга чиқиб катта полотноларда яратган бебаҳо санъати билан қутладилар.

Айтиш керакки, Рустамжон охирги йилларда ҳам олим, ҳам рассом сифатида самарали ижод қилиб келмоқда. Қатор кўргазмаларда қатнашиб, миллийлик руҳида яратган асарлари билан томошабинлар эътиборига сазовор бўлган. У портрет, натюрморт ва манзара жанрларида анчагина полотнолар ижод қилган. Шуни ҳам таъкидлаш керак, у Юлдуз Усмонованинг қўшиқларига баёний иллюстратив расмлар чизиш эмас,балки қўшиқ маъносини ўз фикри,янгича ифодавийлик йўллари билан бойитишга ҳаракат қилган. 2006 йилга келиб бу изланишлар ҳосиласи бўлган асарлари 40 тага етди.

Кўргазмада рассом ижодини кузатар экансиз, унинг ҳар бир асарида Юлдуз Усмонованинг қўшиқларига мос чуқур мушоҳадага бой фалсафий маънони англайсиз. Ҳар бир полотнода санъаткорнинг қиёфаси гўё жонли акс этгандек киши диққатини тортмай қўймайди. Масалан, унинг «Дунё», «Она», «Умр нима?», «Муҳаббатсиз қандай яшаш мумкин?», «Муқаддас алла», «Ота», «Аёл», «Муҳриддин қизғалдоқлари», «Муҳаммад Юсуф хотирасига» деб номланган қўшиқларига бағишлаб ишланган расмлар айниқса ёрқин бўёқларда қўшиқ маъносини ўзида



ифода этган дейиш мумкин. Ҳаётни роль ижро этиладиган саҳнага қиёслашади. Ҳаётдан кўз юмган инсон парда ортига ўтиб кетади. Саҳнадалик даврида нима қилди? Асар қаҳрамони севимли шоир Муҳаммад Юсуф ўзидан халқ дарди, пок севги, улкан орзулар мужассам бўлган ажиб шеърлар қолдирди. Аллоҳ ўзи суйган бандаларига дунёда ўзидан из қолдиришга изн, маърифат берса не ажаб. Рассомнинг «Муҳаммад Юсуф хотирасига» деб номланган асарида шу маънони уқиш мумкин. Хонанда шунингдек муқаддас қўшиқ аллани жуда кўп оҳангларда ижро этган. Рустам Эрматов «Муқаддас алла» асарида хонанда ўз набирасини сўлим белanчакдан ҳам қизғаниб, тиззасида ухлатаётганлигини тасвирлаган.

— Умр оқар дарё дейишади,— дейди Рустам Эрматов.— Бу дарёда ҳар ким ўз фаолияти билан сузиб боради. Биз рассомларнинг иш қуролларимиздан бири — ранг қориштирадиган палитрани касб рамзи, устидаги шамни эса инсон ҳаёти деб билдик. Йиллар ўтгач умр поёнига етиб шам ўчса, умид қиламиз, яхшилик билан яратган ишларимиз қолади. Ҳар бир ижодкорнинг энг катта мавзуси,ижодининг негизи мавжуд. Менинг ижодимда эса бу — севимли санъаткорим Юлдуз Усмонованинг кўнгилга яқин қўшиқларидир.

Дарҳақиқат кўргазмадан ўрин олган ҳар бир асарида Рустамжоннинг нафосат оламида катта иштиёқ ва юксак маҳорат, бутун қалб кўри билан ижод қилганлигига гувоҳ бўласиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: истеъдодли рассом Рустам Эрматов яратган асарлардан намуна.

Наталья Семёнова олган сурат

БАНК ИШИ ВА ТАЪЛИМ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ, ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ БАНК КОЛЛЕЖИ ҲАМКОРЛИГИДА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ БАНК СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг тобора юксалаётгани ёшлардан молия, иқтисодиёт, банк иши каби соҳаларда мукаммал билимга эга бўлишни талаб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда юртимиз умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўғил-қизлар орасидан банк мутахассислигини ўрганиш ва мукаммал эгаллашга ҳар жиҳатдан тайёр, фаол, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, банк иши ва молия соҳаларида фаолият юритишга йўналтиришга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу кунга қадар иқтисодиёт йўналишидаги фанлар мукаммал ўргатиладиган мактаблардаги банк иши соҳасига ихтисослаштирилган синфларни беш минг нафардан зиёд ўқувчи тамомлади. Анжуманда мазкур йўналишда таълим сифати, мазмуни ва самарадорлигини янада такомиллаштириш, махсус фанлар ўқитувчиларининг малакасини оширишга оид мавзуларда ҳам сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

ИММУНИТЕТНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тиббиёт фанлари номзоди О.СОДИРХОНОВ таҳрири остида

ИНСОН ИММУНАЛ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ОРГАНИЗМ ИЧКИ МУҲИТИ «САВОДЛИ ИШЛАШИ»НИ ТАЪМИНЛАШ, УНИ БАКТЕРИАЛ ВА ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРДАН ИҲОТА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ. ИММУНАЛ ТИЗИМ СОҒЛОМ БЎЛИБ, ТЎҒРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАРКАН, МИКРОБЛАРГА ЯҚИНЛАШСАНГИЗ ҲАМ УЛАР СИЗГА ЮҚМАЙДИ, АЛЛЕРГЕНЛАР ОРАСИДА БЎЛСАНГИЗ ҲАМ АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯЛАР СИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛОЛМАЙДИ.

Иммунал тизимнинг бўшашиши, заифлашиши тумовдан тортиб то ОИТС гача кўплаб касалликларнинг ривожланишига олиб боради. Юқумли касалликлар ўз навбатида аутоиммунал деб аталадиган реакцияларнинг юзага келишига – яъни организм ўзига қарши ўзи «ҳужум»га ўтадиган ҳолат (аллергия, астма ва ҳ.к.)ларга сабабчи бўлади. Санчқисимон без, илик, қораталоқ, лимфатик тугунлар, томоқ безлари ва аппендикс иммунал тизим ҳужайраларини шакллантиради.

НИМАЛАР ИММУНИТЕТНИ ЗАИФЛАШТИРАДИ?

Энг аввало, бу дистресс бўлиб, у организмда иммуноглобулин ишлаб чиқарилишини қийинлаштиради. Шунингдек, экологик зарарлар, токсинлар, нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликлар, чекиш, юқори радиоактив муҳит, дармонсизлик туфайли кам ҳаракатлилик, кам уйқулик ва кишининг ёши ҳам иммунитетга салбий таъсир кўрсатади.

Яширин инфекция ҳам иммунал тизимни адойи тамом қилади. Чунончи, милкда, тишларда микробларнинг тўпланиб қолиши оз бўлса ҳам ўзини сездиради ва улар иммунал заҳираларнинг анча миқдорини нобуд қилади.

Иммунитетни антибиотиклар ҳам заифлаштиради. Шунинг учун уларни организм микроблар инфекциясини қайтара олмай қолган ёки шу инфекция тананинг муҳим аъзосида, масалан, юрак, ўпка, мияда жойлашиб олганида қўлланиш (қабул қилиш) керак.

Иммунитетни пасайтирадиган дори-дармонлардан, иммунал тизимга стресс таъсирини берувчи қон қуйишдан, қоннинг бегона оқсиллар билан тўлдирилишидан имкон қадар ўзингизни асраганингиз маъқул.

ИММУНИТЕТ ЕТАРЛИЛИГИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Мабодо, бола йилига уч мартадан кўпроқ касал бўлса, ҳадеб шамоллайверса, тумовга чалинаверса, вирусли хасталикларга мойиллиги аниқланса – демак, иммунал тизимда бирон гап борлиги маълум бўлади. Агар шамоллашдан кейин катта ёшли киши ҳа деганда ўзига келавермаса ва яна вирус «тузоғи»га илинадиган бўлса – бу ҳам иммунитет панд бера бошлаганидан далолатдир.

Қисқаси, агар тез-тез касалликка чалинадиган ҳамда саломатлигингизнинг жойига келиши қийин кечадиган бўлиб қолса — иммунограммага қон анализини топширинг. Иммунал тизим тонуси (фаоллик даражаси)ни оширувчи кўплаб дори-дармонлар мавжуд. Иммунолог шифокорларнинг таъкидлашларича, ошқозон-ичак йўлларининг яхши ишлаши соғлом иммунитет гарови ҳисобланади. Унинг бир маромда яхши ишлашини асраб қолиш ёки биринчи навбатда шунга эришиш чораларини кўриш лозим.

ҲАР КИМ ЎЗИ УДДАЛАЙДИГАН МУОЛАЖАЛАР

Соғлом турмуш тарзи: жисмоний фаоллик, чиниқиш, тўғри овқатланиш, эҳтиросларни жиловлай билиш, сексуал ҳаёт барқарорлиги иммунал тизим тикланишини таъминлайди. Агар қон босими ошиши касаллигига дучор бўлмаган бўлсангиз, қувватлантирувчи деб ном олган ўсимликлар – қизил илдиз, элеутерококк, эхинацея, силат ўсимликларидан тайёрланган дамламалар ва дорилардан фойдаланишингиз мумкин.

Грипп (тумов) касаллиги мавсуми яқинлашиши билан С витаминини қабул қилиш энг хавфсиз ва синалган муолажа ҳисобланади. Яна бир муҳим муолажа – рўхдир.Шу икки элемент таркибида бўлган витаминли-минералли компонентлар мавжуд (масалан, «С+»).

АНТИГИПОКСИДАНТЛАР

Иммунитет фаоллигини оширишга ҳужайраларнинг кислородга тўйинтирилиш даражаси ҳам ижобий таъсир этади. Шаҳар аҳлининг кўпчилигида 40 ёшдан кейин ҳужайравий нафас олиш етишмовчилиги (гипоксия) кузатилади. Антигипоксидант ўсимликлар мавжуд бўлиб, улар орасида оддий қайин дарахти етакчи ўрин тутади. Даволаш мақсадларида унинг шарбати, куртаклари, баргларидан фойдаланилади.

6-8 грамм қайин барглари устига 1/2 литр қайноқ сув қуйилиб, 10 дақиқа қайнатилади. Сўнг совутиб қўйилади ва докадан ўтказилади. Дамламани 50 граммдан уч маҳал овқат вақтида истеъмол қилинади. Бошқа антигипоксидантлар қаторига арника, дўлана, қашқарбеда, календула, липа (жўка), мокрица, лимонўтни киритиш мумкин.

АНТИСЕПТИК ЎСИМЛИКЛАР

Иммунитетни оширувчилар сифатида қизилпойча (зверобой), қариқиз, яйлов бедаси, дасторбош (бўймодарон), қоқиўтлардан фойдаланилади. Айниқса интерферон ишлаб чиқарилишига ёрдам берадиган ҳамда вирусга қарши таъсир кучига эга бўлган эхиноцея иммунитетни ошириш воситаси сифатида кенг оммалашиб кетган.

Ўткир респиратор хасталикларда, тумов (грипп), герпес, нафас йўллари касалликлари, ангина, гайморит, шамоллаш, аллергия, аутоиммунал характердаги хасталиклар (ревматоид, артрит, гепатит, нефрит, цистит (қовуқ яллиғланиши), простатит)да уни қўлланилади.

Бир стакан сувга бир чой қошиқ олма сиркаси ва асални аралаштириб, овқат олдидан истеъмол қилиш фойдали. Асал, лавлаги, сабзи, анор ҳамда пўсти билан лимон шарбатлари аралашмаси (2:3:3:2:2)ни бир ой мобайнида эрталаб ва кечқурунлари 3-4 ош қошиқдан истеъмол қилиш иммунал тизимни мустаҳкамлайди.

Иммунал тизим қуввати (иммунитет)ни оширишда халқ табобатида қўлланиладиган айрим тавсиялар

Қизилпойча (зверобой). 50 грамм зверобойни 1/2 литр кагор виносига солиб, 12 кун сақлаб қўйинг. Кейин икки ҳафта мобайнида овқат олдидан бир ош қошиқдан истеъмол қилинг.

Саримсоқ пиёз. Уни қирғичдан ўтказиб, устидан 2 сантиметр баландроқ даражада қайнатиб совутилган сув қуйиб, икки кун асраб қўясиз.Сўнг докадан ўтказиб, бир чой қошиқ аралашмани бир стакан қатиқ билан кечаси ётиш олдидан ичасиз. Муолажа 30 кун давом эттирилади.

«Золотой ус» («Олтин мурт»). Гўшт қиймалагичдан бир дона лимон ва золотой уснинг иккита баргини ўтказинг, 100 граммдан сариёғ ва асал билан аралаштиринг. Совутгичда асраб қўйинг. Бир ой давомида бир ош қошиқдан кунига уч маҳал овқат олдидан истеъмол қиласиз.

ЛОНДОНДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

«ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ПОЙТАХТИ— ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДАН МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ КЕЛДИ. УНДА ЖУМЛАДАН ШУНДАЙ ДЕЙИЛАДИ:

«Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси санъаткорлари ижодий гуруҳи Лондондаги дипломатик корпус, расмий, жамоатчилик, илмий-академик ва бизнес олами вакиллари учун Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси миллий Наврўз байрамимиз муносабати билан ташкил қилган расмий қабул маросимида кечага байрамона руҳ бағишлашда катта ҳисса қўшди. Юксак маҳорат билан ижро этилган мумтоз ўзбек куй ва қўшиқлари меҳмонларда самимий қизиқиш уйғотди ва олқишларга сазовор бўлди».

Айтиш керакки, жамғарма ўзбек миллий санъати ва ҳунармандчилик анъаналарини чет элларда муносиб тарғиб қилиш борасида хорижий давлатларда элчихоналаримиз, халқаро ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Германиядаги Жаҳон ҳунармандчилиги кўргазмаси (2002 йил), Грециянинг Кавала шаҳридаги Жаҳон маданияти кўргазмаси (2003 йил), Англиянинг Экзетер шаҳридаги кўргазма (2005 йил), Англиядаги Жаҳон ҳунармандчилиги Баҳор кўргазмаси (2005 йил) каби халқаро кўргазмалар шулар жумласидандир. Бу халқаро тадбирларда жамғарма халқимизнинг фольклор, анъанавий ва замонавий қўшиқчилик, рақс санъатини, ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатлар аҳлига муваффақиятли намойиш этди.

Шу йил март-апрель ойида бўлиб ўтган сафар чоғида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сойибжон Ниёзов, маҳоратли доирачи Дилмурод Исломов ва раққосаларимиз «Олтин мерос» жамғармасининг «Мунажот» дастаси вакили сифатида Англияда ўзбек қўшиқ ва рақс санъати намуналарини намойиш этишди.

Миннатдорлик мактубида элчи миллий санъатимиз, қадриятларимизни тарғиб этиш борасида, элчихонамиз билан жамғарма ўртасида ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик давом этишига ишонч билдирган.

(Ўз мухбиримиз)







Таълим

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА РЕСПУБЛИКА УМУМТАЪЛИМ ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ 4-БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Олимпиада иштирокчилари 1-турда амалий топшириқларни бажардилар. 2-турда эса тест синовидан ўтишди. Якун шуни кўрсатдики, пойтахт ўқувчиларидан ўн нафари совринли ўринларни эгаллаб, мактаб партасидаёқ талаба бўлишди.

— Вилоятлар орасида шаҳримиз ўқувчилари астойдил ҳаракат қилиб, юзимизни ёруғ қилишди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманнон Собиров. — Миробод туманидаги 60-мактаб ўқувчиси Н.Якубова немис тили, Учтепа туманидаги 107-мактаб ўқувчиси Р.Исламгараев чизмачилик, Сергели туманидаги 6-ихтисослашган мактаб ўқувчиси А.Исмоилов ўзбек тили, Яккасарой туманидаги 91-мактаб ўқувчиси А.Кручинин инглиз тили фанидан ғолиб бўлиб олий ўқувчиларга тест имтиҳонларисиз кириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Худди шундай имтиёзни Юнусобод туманидаги 43, 51, 274-мактаб ўқувчилари — Е.Загородняя, Артём Чен, Гулноза Азаматовалар ҳам қўлга киритишди.

Ғолибларга гувоҳномани Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов топширар экан, бу ютуқлар уларнинг дастлабки зафари бўлишини, келажакда «Республика фан олимпиадаси ғолиби» деган номга муносиб бўлишлари зарурлигини таъкидлади. Ғолибларга «ELXOLDING» ОАЖ, элчихона вакиллари, «Овози тожик» газетаси таҳририятининг қимматбаҳо совғалари, график глобус тақдим этилди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

СУРАТЛАРДА: юнусободлик ғолиб ўқувчилар . Владимир Гранкин олган суратлар

Оғир атлетика

ЭНГ МУНОСИБ ПОЛВОНЛАР — ШОҲСУПА ТЎРИДА

ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА БИР ҲАФТА ДАВОМИДА МУХЛИСУ МУТАХАССИСЛАРНИ ҲАЯЖОНГА СОЛГАН, КЎПЛАБ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТИЛГАН ОҒИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТЛАРИ БЕЛЛАШУВЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Мусобақаларнинг сўнгги кунида Эрон, Омон ва ўзбекистонлик олти нафар энг оғир вазнли спортчилар ғалаба учун кураш олиб боришди. Айтиш жоизки, улар ўртасидаги баҳс жуда кескин ва муросасиз кечди. Эронлик полвонлар янгидан янги вазнларни забт этишга интилишиб, шу тариқа рақибларини ҳам юқори натижаларни кўрсатишга сафарбар қилишди.

Бунда ҳамюртимиз — ёш, умидли спортчи Андрей Мартемьянов бутун маҳоратини ишга солган ҳолда даст кўтаришда 170, силтаб кўтаришда эса 210 килограмм натижа кўрсатиб, эронлик Гавад Гохаризода ва омонлик Дахеляхамед Ҳайдарни ортда қолдирди.

Энг тажрибали оғир атлетикачимиз Игорь Халиловга эса жуда жиддий, тажрибали рақиб — Эрон вакили Ҳусайн Ризозода билан куч синашишга тўғри келди. Ризозода ҳақиқатан ҳам жуда оғир вазнларни унчалик қийинчиликсиз забт этгани ҳолда бугунги кунда Осиё қитъасида энг кучлилардан эканлигини исботлади. Чунончи, у иккикураш натижасига кўра 2-ўринни эгаллаган спортчини 25 килограмм кўп вазнни забт этгани ҳолда ҳақли равишда Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Иккинчи ўрин эса даст кўтариш бўйича 185, силтаб кўтаришда 223 килограмм вазнни бўйсундирган Игорь Халиловга насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: оғир вазндаги спортчиларнинг чиқишларидан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2006 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	NORM-EXPO	ХК	205095009	03.06.04	000375-03	19595026	10-0619/3838	19.04.06
2	BARFINA-TRADE	МЧЖ	205286671	30.11.04	000673-03	19853426	10-0619/3839	19.04.06
3	SHOSH	ХК	200518962	01.02.96	56/6	15301279	10-0619/3840	19.04.06
4	ALITUR AVTO	МЧЖ	205498280	01.03.05	000800-03	19999348	10-0619/3841	19.04.06
5	NURONI FLECH FER	МЧЖ	205550154	17.03.05	000854-03	20083005	10-0619/3842	19.04.06
6	AZIA VTORMET	МЧЖ	205014621	21.04.04	000309-03	19514730	10-0619/3843	19.04.06
7	ASTRATECH	МЧЖ	204416944	25.06.04	03-000841	18936274	10-0619/3844	19.04.06
8	ОТДЕЛ СТРАХ.УЗБЕК БИРЛАШУВ	Б	201069105	08.08.94	252	15098855	10-0619/3845	19.04.06
9	АРТ КАСС	ХИЧТФ	201534800	03.01.96	3/6(597)	15953958	10-0619/3846	19.04.06
10	OZMEVASABZAVOTIMPEKS	АЖ	200624784	21.08.00	445/1(302)	16823979	10-0619/3847	19.04.06
11	SAVDO GROUP	МЧЖ	204663339	11.09.03	1393	19202479	10-0619/3848	19.04.06
12	ASIAN STIL	ХФ	202234152	28.04.97	214/2	16639313	10-0619/3849	19.04.06
13	FAZLIDDIN-SAVDO	ХК	205261600	04.11.04	000626-03	19816454	10-0619/3850	19.04.06
14	KONTIPRO	МЧЖ	204668101	17.09.03	1420(1193)	19202746	10-0619/3851	19.04.06
15	ELEKTROBUTLASH-XIZMAT	ШК	203735754	03.04.02	336	18244990	10-0619/3852	19.04.06
16	LEMYA	ХФ	204689922	08.10.03	000006-03	19230139	10-0619/4036	19.04.06
17	KICHIK VA XUSUSIY BIZNES UCHUN ZAMON.TEXN.JORIY ETISH MARKAZ	МЧЖ	205305378	16.12.04	000696-03	19855106	10-0619/4037	19.04.06
18	AL`BI	ХФ	204131217	15.08.02	979	18657597	10-0619/4038	19.04.06
19	SAMO BIZNES ULTRA	ХК	205258025	29.10.04	000606-03	19812953	10-0619/4039	19.04.06
20	KOREA AEROSEA EXPRESS	МЧЖ	205135305	22.06.04	000406-03	19656795	10-0619/4040	19.04.06

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Мунажжим башорати

ЯКУНЛАР ВА ТАЙЁРГАРЛИКЛАР КУНИ

26 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

ЭРТАГА ЯНГИ ОЙ. ОДАТДАГИДЕК, ЭСКИ ОЙНИНГ СЎНГГИ КУНИДА ҲАММА ИШНИ МАРОМИГА, НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИШ КЕРАК. ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ТОПШИРИҚ, ИШ, ЖАМОА ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАР БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРАДИ.

Бугун қурилишларни бошлайдиган, ер ва ўсимликлар билан машғул бўладиган кун. Режалар тузинг, кайфиятингизни баланд қилиб, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйланг. Бугун кўчиб ўтиш, бошқа ишга жойлашиш, таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаб юбориш мумкин. Харидлар қилинг, тижорат билан шуғулланинг, малакангизни оширинг, касб-ҳунарни эгалланг, қўл иши билан шуғулланинг. Шу куни дарахтларни арралаш, соч олдириш, дори истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Мабодо, бугун уйингизда шамолдан дераза синса ёки очилиб кетса, кўзгу синиб қолса – бу оғир синовлар аломати. Майда пул топиб олиш омад ва хурсандчиликка далолатдир.

Бу кеча кўрилган тушлар (айниқса қуёш кўтарилгандан кейингилари) башоратли ҳисобланади. Кўрган тушларингизни яхшилаб таҳлил қилиб, улардан муҳим саволларингизга жавоб олиб, тушдаги ахборотлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Тушингизда ердан кўтарилиб учаётган бўлсангиз ёки ўз исмингизни эшитсангиз, буни сизга келадиган ёрдам ва омаддан дарак деб билинг. Думалаб-йиқилиб кетсангиз, устингизга тупроқ ташлашса – оғир хасталикка ишора.

Рўза тутиш учун бугун жуда қулай кун ҳисобланади. Ҳеч бўлмаганда, гўштли ва ҳазми оғир таомлардан ўзингизни тортинг. Кўзлар бугун заиф ҳолатда бўлади. Шунинг учун ёрқин ёруғлик манбаига қараманг.

Бугун қора ёки кўк рангли кийимларни кийиш кунингиз ёқимли ўтишига кафолат бўлади. Сариқ, қизил ва зарғалдоқранг либослардан узоқроқ бўлинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6